Устоз. Бу қутлуғ номга сазовор бўлган инсон ўз шогирдлари қалбида мангу яшайди, суҳбатларида эса доимо ҳурмат билан тилга олинади. Чунки, шундай инсонлар ўз Ватанида обрў-эътибор топган бўладилар. Етмиш ёшли қариядан сўрасангиз ҳам биринчи муаллимини яхши эслайди, касб-ҳунар ўргатган устозини фахр билан ёдга олади. Дарҳақиқат, киши ўтган умрида кўп нарсаларни унутиши мумкин, аммо устозини ҳеч қачон унутмайди, унутолмайди.

*Фидойи муаллимларимиз*

# МАКТАБГА БАХШИДА УМР

Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган муаллима ҳам қирқ ёшлардаги, гап-сўзлари ўткир ва маъноли, юришлари илдам ва чаққон, бошлаган ишини охирига етказмагунча тиниб-тинчимайдиган аёллардан биридир. Ўз касбини яхши билган, ўрганган хорижий тилни пухта эгаллаган бу муаллимани нафақат мактабда, балки бутун маҳаллада ҳам яхши билишаркан.

«Сиз инглиз тили ўқитувчиси Эътибор опани айтяпсиз-да», «Шайхонтоҳур туманидаги Лутфий номли 254-гимназия мактабининг услубий ишлар бўйича директор ўринбосари Нурматованими, у кишини ким танимайди, дейсиз?» дея ҳали мактабга етиб бормасданоқ таърифини эшитдик.

Ҳа, биз бугун ҳикоя қилмоқчи бўлган, устоз деган шарафли номга аллақачонлар мушарраф бўлган аёл Эътиборхон Нурматовадир. Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университетининг инглиз тили факультетини 1983 йилда тамомлаб, ўзининг 17 йиллик сермашаққат меҳнати давомида оддий ўқитувчиликдан олий тоифали муаллимагача кўтарилди. 1994 йилдаёқ «Халқ маорифи аълочиси» деган унвонга сазовор бўлди.

Шогирдлари Г.Усмонова, Д.Мирзаева, Ш.Тошпўлатовалар ўз устозлари ҳақида тўлқинланиб гапирадилар. Ўқитувчилик касби сирлари, дарс бериш санъати, энг муҳими ўқувчиларнинг қалбига йўл топиш усулларидан сабоқ олганликларини қайта-қайта таъкидладилар.

— Мақтаниш бўлмасин-у мактабимиз услубий ишлар бўйича директор ўринбосаридан ёлчиган, — дейди биз билан суҳбатда мактаб директори Йўлчи ака Абдуллаев. — Ўзимнинг қирқ йиллик педагогик тажрибамдан келиб чиқиб гапиряпман бу гапни. Қисқа қилиб айтганда эса Эътиборхон ўз касбининг устаси. Талабчан, қаттиққўл ва изланувчан раҳбар. Мактаб ҳаётига оид ҳар қандай вазифани, айниқса дарсни юрак-юрагидан беради. Инглиз тилини Англияликлардан кам билмайди. Шунинг учунми ҳамма ўқувчилар у кишининг синфига ўтишга ҳаракат қилади. Ўзи ҳам мактабга, ўқувчиларга ўрганиб қолган, уларга меҳр қўйган. Агар туманимиз халқ маорифи бўлимининг раҳбарлик лавозимларини ҳам рад этган десам ишонаверинг!»

Биз директорнинг ҳаяжонли, айни пайтда самимий гапларига ишондик. Жонажон мактабига, билимга чанқоқ ўқувчиларга ҳақиқий маънода меҳр қўйган муаллимгина мактабни тарк эта олмайди. Умрини, кучини, билимини уларга сарф этади. Ана шу меҳр туфайлигина у ўз ишидан қониқади, айни вақтда роҳатланади.

Мактаб — муқаддас даргоҳ. Шунинг учун муқаддаски, бу даргоҳда ўқитувчи ўқувчиларга илк бор **ОНА** ҳақида, **ВАТАН** тўғрисида фикр юритиб, уларнинг қалбларига эзгулик уруғларини «экади». Ёшлар қалбини маърифатга тўлдириб, уларни катта ҳаётга тайёрлаб бораётган, аниқ бир мақсадига эришиши учун йўл-йўриқни таълим ва тарбияга сингдириб, билимини, кучини, онгли меҳнатини сарфлаётган муаллимларни ҳақиқий маънода фидойилар дейиш мумкин.

Эътиборхон Нурматова ана шундай фидойи инсонлардан биридир.

Англиянинг «Энг яхши ўқитувчи» сертификатини олишга сазовор бўлган Э.Нурматовани ҳаммадан кўра ўз ўқувчилари жуда яхши кўришар экан. Мана улар нима дейишди: «Эътибор опа инглиз тилида шундай жонли ва қизиқарли дарс ўтадиларки, биз беихтиёр шу фанни, шу тилни севиб қоламиз. Бошқа фанлардан ҳам инглиз тили қачон бўларкин, Эътибор опамиз қачон дарс ўтаркинлар деб турамиз. Шунинг учун уларнинг дарсларини ҳеч қачон қолдирмаймиз».

Ўқувчилардан бундай гапларни эшитиш, ҳар қандай ўқитувчи учун чексиз фахрдир.

Э.Нурматованинг тиниб-тинчимайдиган фазилати шундаки, у кундалик иш режаларини тасдиқлаш, дарсларни кўргазмали қуролларга бой ва самарали ўтишига эришиш, берилаётган очиқ дарсларни замон талабида бўлиши, синфдан ташқари услубий ишлар, семинарлар ўтказиш каби барча ишларга бош-қошдир. Бундан ташқари, ёш ўқитувчиларга касб сирларини ўргатиш, улар меҳнатини тўғри баҳолаб бориш, ютуқ ва камчиликларини рўй-рост кўрсатишдек масъулиятли вазифалар ҳам фидойи муаллим зиммасидадир. Бу ишларнинг ҳаммасига улгураётган Эътиборхон ширингдан шакар уч фарзандининг тарбияси учун ҳам вақт топа олади. Инглиз тилини ўрганмоқчи бўлганлар ҳам опани излаб юришибди. Қарабсизки, бўш вақтнинг ўзи йўқ.

Дарвоқе, устознинг бўш вақти бўлмайди. Айниқса, у фидойи устоз бўлгандан кейин.

**Н.АКБАРОВ,**
**журналист.**



**Китоб — билим хазинаси.** **Равиль Альбеков олган сурат.**

*Ибратнома*

# КЎЗГА ЖОЙЛАНГАН ДУНЁ

Бир куни Имом Содиқнинг яқин дўстларидан Ҳишом бин Ҳакимга Абдулла Дайсоний деди:

— Сенинг парвардигоринг борми?

— «Ҳа!» — деб жавоб қилди Ҳишом.

— Парвардигоринг ҳар нарсага қодирми?

— Албатта!

— Парвардигоринг бутун оламни битта тухум ичига жойлай оладими? Бунда олам ҳам тухум ҳам ўзгармасин.

— Яхши жавоб бериш учун менга муҳлат бер.

— Сенга жавоб топишинг учун бир ой муддат бераман.

Ҳишом бин Ҳаким отга миниб Имом Содиқнинг қошига келди:

— Даҳрийлардан Абдулла Дайсоний менга бир савол берди. Шунинг жавобига менга ёрдам берсангиз.

Имом саволни тингладилар ва бироз ўйлаб туриб дедилар:

— Эй Ҳишом! Инсонда нечта сезги аъзолари бор?

— Бешта.

— Улардан қайси бири энг кичик аъзо?

— Кўз.

Яхши, энди кўзларинг билан пастга ва юқорига қара. Нималарни кўраяпсан?

— Осмонни, ерни, уйларни, боғларни, биёбонларни, тоғларни ва денгизларни.

Имом Содиқ дедилар:

— Ўзинг ўйлаб кўр, тухумдан ҳам кичкина кўзларинг ичига бутун олам жойлангандир. Шу кўзларинг билан борлиқ дунёни кўрасан. Бунда на кўзларинг катталашяпти, на борлиқ олам кичкиналашаяпти. Саволингга жавоб шудир.

**Дилдора СОДИҚОВА.**






*Назм*

## ЙЎЛЛАРНИНГ ЭНГ ЯХШИСИ

*Йўлларнинг энг яхшиси илмларнинг йўлидир,*
*Ўлимнинг шарафлиси шаҳидлар ўлимидир.*

*Юмушларнинг афзали фойда берадигани,*
*Қўлнинг баракалиси ҳунарлининг қўлидир.*

*Кўрликнинг энг ёмони — киши қалбин кўрлиги,*
*Бахтли ва бахтсиз қилган инсонларнинг тилидир.*

*Хатонинг яхшиси йўқ, ёлғон гапириш ёмон,*
*Бойлик яхшиси эса, Тўра, нафс тўқлигидир.*

## САҚЛАЙДИ

*Неъматга шукур қилсанг, заволидан сақлайди,*
*Ушоқни териб олсанг, уволидан сақлайди.*

*Тарбияга эътибор беришлик бежиз эмас,*
*Одоб элнинг хаёсиз аёлидан сақлайди.*

*Ихота дарахтлари, қалин саксовулзорлар,*
*Турли ҳайвонни чўлнинг шамолидан сақлайди.*

*Тўра, содиқ дўстларга жон фидо қилсанг арзир,*
*Улар сени ҳаётнинг малолидан сақлайди.*

## УЧ ДЎСТ ХУСУСИДА

*Биринчи дўст — бойлигинг, у ўзига чорлайди,*
*Аслида у душманинг чарчатади, хорлайди.*

*Ўлсанг вафо қилмайди, хизматингни унутар,*
*Ўзгаларга гашт берар, қабринггача бормайди.*

*Иккинчи дўст — қариндош ҳамда бола-чақалар,*
*Ўлсанг қабрингга қўяр, лекин гўрга кирмайди.*

*Учинчи дўст — умрингда қилган эзгу ишларинг,*
*Бирга кирар қабрингга, ваҳшийларга бермайди.*

## САРА АСАР ЯРАЛМАС

*Юраги қора кимса яхшиларни кўролмас,*
*Сув устидаги кўпик оқим билан боролмас.*

*Янтоқ ўзин боғман дер, аҳмоқ ўзин тоғман дер,*
*Гердайган чоҳга тушар, тузук даврон суролмас.*

*Илон боласи илон, чаён боласи чаён,*
*Зоти пастлар ёмонлик қилолмасдан туролмас.*

*Тўра, эътибор берма бетайиннинг сўзига,*
*Гапидан хафа бўлсанг, сара асар яралмас.*

**Тўра ЖУМАН.**

**Муқимий номидаги ўзбек Давлат мусиқали театрида «Тошболта ошиқ» спектакли қўйилган кунлари томоша зали янада гавжум бўларди. Шинавандалар орасида ёш Маҳмуджон ҳам бўлар, у бош роль ижрочиси Сойиб Хўжаевнинг ҳар бир хатти-ҳаракати, сўзлари, қилиқларини берилиб тинглар, кузатарди. Ана ўшандаёқ бу йигит қалбидан санъаткор бўлиш истаги чуқур жой олганди.**

*Халқ истеъдодлари*

# ШАЙДО КЎНГИЛ



У туғилиб ўсган Шайхонтоҳур туманининг «Илғор» маҳалласи аҳли ўртасида эса у аллақачон «Тошболта» лақаби билан машҳур бўлиб улгурганди. Шунинг учун маҳалладошлар Маҳмуджонни тўй-туркумларга таклиф этишар, «Тошболта» бўлиб беришни илтимос қилишарди.

Бир куни Сойиб Хўжаев ўзи таклиф қилинган тўйга кириб борса, ўртада бир йигит худди унинг овози билан «Тошболта» монологини айтиб турганмиш. Олдинига машҳур артист ўз кўзига ишонмабди. Наҳот овоз ҳам, хатти-ҳаракатлар ҳам қуйиб қўйгандек шу қадар бир-бирига ўхшаш бўлса, деб ҳайратланибди. Кейин дангал ўртага тушиб йигитнинг пешонасидан ўпибди. Ана ўшандан бери улар устоз ва шогирд.

Бугун Ўзбекистон халқ артисти, кулги дарғаси Сойиб Хўжаевнинг иқтидорли шогирдлари Бахтиёр Ихтиёров, Ҳусан Шариповлар билан бир қаторда ҳаваскор талант соҳиби Маҳмуджон Муслимов ҳам борлигини кўпчилик яхши билади.

Шу ўринда беихтиёр ушбу ривоятни эслайман. Бир куни шоҳ Искандардан сўрабдилар: сен устозингни ота-онангдан кўпроқ ҳурмат қилар эмишсан, иззат-ҳурматини жойига қўяр эмишсан, шу ростми, дебди. Шунда Искандар: «Ота-она мени йўқдан бор қилди, йўқлик осмонидан мени борлик — ерга олиб тушдилар. Устозим эса менга ҳунар ўргатиб, мени кўкка кўтардилар», деган экан.

Маҳмуджон Сойиб Хўжаевга, айниқса унинг санъатига ихлосманд эди. Эсини таниган, Муқимий театри саҳнасида, 1958 йилда саҳнага қўйилган, Ҳамид Ғуломнинг «Фарғона ҳикояси» асарини томоша қилишга ошиқди. Асардаги Каттахўжа Кичикхўжаев образини моҳирлик билан ўйнаган Сойиб Хўжаевнинг саҳнадаги маҳоратига қойил қолди. Ундан сўнг, Душан Файзийнинг «Зарафшон қизи» саҳна асарини бир неча бор завқ билан томоша қилди. Сойиб Хўжаевнинг бу асардаги Бегмат образи ва ниҳоят, Ҳамид Ғуломнинг «Тошболта ошиқ» саҳна асаридаги «Тошболта» образи Маҳмуджонга тинчлик бермай қўйди. Ўшандан кейин у Қўйлиқда жойлашган маданият уйидаги драма тўгарагига қатнай бошлади. Режиссёр. Ўткир Обидовдан саҳна нутқи ва актёрлик маҳоратини ўрганиб, Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи» асарида Холмат, З.Фатхуллиннинг «Ёшликда берган кўнгил» саҳна асарида собиқ колхоз раиси Бекназар, Ҳ.Умаровнинг «Ҳаёт йўли» пьесасида Соат образларини яратди. Кейинчалик у Й.Охунбобоев номли Тошкент шаҳар маданият уйи қошидаги халқ театри жамоасига қўшилди. Режиссёр Шавкат Умаров саҳнага қўйган «Заҳарли ҳаёт»да Халфа, «Қовурилган ўрдак» пьесасида Чори бобо ва бошқа ролларни ижро этди.

Ушбу йиллари устози Сойиб Хўжаевдан ҳам саҳна сирларини ўргана бошлади. Саҳнада Тошболта образини яратишга ҳаракат қилди. Устоз ўгитларига амал қилди.

1984 йил октябрь ойида Янгийўл туманидаги «Тинчлик» жамоа хўжалигида берилган концертда Маҳмуджон ҳам атоқли артистлар қаторида қатнашиб Маҳамад Сўфихўжаевнинг «Тошболта ошиқ пахтазорда» деб номланган интермедиясида Тошболта образини яратди. Пари образини театр актрисаси Райҳон Тўраева ижро этган эди.

Маҳмуджоннинг овози «Табассум» радиожурналида жуда кўп марта «Тошболта» бўлиб янгради. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Малик билан Бўка туманида ўтказилган учрашувда кулгу усталари, Ўзбекистон халқ артисти Эргаш Каримов ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Роза Каримовалар қаторида ушбу анжуманда қатнашиб ўз санъатини намойиш этди. Шу анжумандан сўнг Эргаш Каримов Маҳмуджонни телеминиатюралар театрида қатнашиб туришга чорлади.

Ўшандан бери у телеминиатюралар театрида мунтазам қатнашиб турли образларни яратиб келади. Мақсуд Юнусов саҳналаштирган «Бобур», «Кеча ва кундуз» ҳамда «Лайли ва Мажнун» видеофильмларида ҳам турли образларни яратиб ўз мухлисларини хушнуд этди.

Маҳмуджон орқали устоз Сойиб Хўжаевнинг овози ҳамон янграмоқда. «Ойнаи жаҳон»да Сотволди Абдувоҳидов бошлиқ, Мирсоат Каримов режиссёрлигида намойиш қилинаётган «Оталар чойхонаси» кўрсатувида чойхоначи образи Маҳмуджонга қуйиб қўйгандек ярашиб турибди.

**Абдулла ТОЛИПОВ.**

# ҲАНДАЛАР



*— Сен нима қилиб ўтирибсан? — сўради ота ўғлидан.*

*— Шахмат ўйнаяпман, дадажон.*

*— Ўзинг билан ўзинга?*

*— Йўқ, раҳматли бувам билан.*

* * *

*Икки дўст кўчада учрашиб:*

*— Эшитишимча кеча сен уйланибсанми?*

*— Ҳа, уйландим.*

*— Ҳақиқий бахт нимада эканлигини энди билгандирсан?*

*— Билдиму лекин кечда.*

* * *

*Бир қиз шифохонада, оқ халат кийиб беморлар хонасидан чиққан аёлга деди:*

*— Мен Рустам акани кўрмоқчи эдим.*

*— А, ўзи Рустамга ким бўлишингизни билсам бўладими?*

*— Ҳа, мен унинг синглисиман.*

*— Танишганимдан ҳурсандман. Мен Рустамнинг онаси бўламан.*

* * *

*— Агар сенга 1000.000 сўм мерос қолганида нима қилардинг?*

*— Қарзларимни тўлардим.*

*— Қолганиничи?*

*— Қолганлари кутиб туради.*

**Саидакбар МАННОПОВ.**

(Давоми. Боши газетанинг 107,110,113,116,119-сонларида).

Эй дарвешлар, ошиқларнинг мазҳабида маъшуқнинг ризоси фарзи — айндур. Алҳол дард олуда кўнглим билан ул йигитнинг дўконига равона бўлдим. Кўрдимки, дўконларини беркитиб, манга мунтазир турибдур экан. Ногоҳ мени кўриб тавозеъ билан қўлимни тутиб уйи сари юзланди. Вақтики уйга доҳил бўлдик анда биҳишт осо бир боғни кўрдим, имората олий бино этилган, шоҳона фаршлар солинган, айшу ишрат асбоби муҳайё, улкан ҳавз лабида супалар узра олтин софли сихларда кабоб тайёр. Ул йигит дарҳол фалосларни солиб ўлтирди, мени ҳам тахт устига ўлтирғизди. Бир жом май тўлдириб менга ҳам ичурди. Меҳрибончиликни бисёр айлади. Икки-уч жомни пайдар-пай нўш қилдим. Андин кейин тўрт моҳи сиймо ғулом ҳар бирининг қўлида турфа соз била мажлисга зоҳир бўлди. Аларни бисот (ўриндиқ) узра ўлтирғиздилар, аларға бода (май) жом тутдилар. Аларни ҳам бошлари қизиди, маст бўлдилар. Аммо чунон хуш овоз эрдиларким, аларнинг овозини эшитган жониворлар осмондан тушар эрдилар. Нағма навозлиқ тариқасида анинг баробарида киши йўқ эди. Алар нағма навозлиқ қилур эрдилар, чунон базм бўлдики парилар рашк этар эрдилар. Аммо ул йигит гоҳ ўзидан кетиб гоҳ ўзига келиб йиғлар эрди. Мен ҳам маст бўлиб, шарм-ҳаё кўтарилиб, меҳрибонлиқ билан қўлимни ғарданига қўйиб юзу кўзидин ёшларни артардим ва пешонасидин суяр эрдим.

Алқисса ул йигит айтдиким киши биродаридин яхши кўрган нимарсани пинҳон қилмоғи хўб эмасдур — деб, ўрнидан сакраб туриб мажлисдин ташқари чиқиб, бир соатдин кейин бир нозанин сиймин баданни бошлаб келди. Ул мажлисни ҳаммасини унинг жамолининг нури мунаввар қилди. Ул ҳурлиқони кўриб беҳуш бўлдим. Ул йигитнинг ишорати билан ул нозаниннинг гарданига қўл солиб, бир жом лиммо-лим май ичурдим. Ул йигит қош остидин ишорат қилди. Анинг ишорати билан қўлини бўса қилдим. Андин кейин париваш ёнимизда ўлтириб овоз қилди, ул йигит дедиким эй жони жаҳоним не бўлғайки биродари азизимға нозу навоз қилиб берсанг деб эрди, ул нозанин минг нозу карашма билан созни қўлиға олиб, ўзини ростлаб ва кокилларини орқасига ташлаб, созини чалғани турди. Бу тариқа бирла нағма созлиқ қилдики,

*Донишмандлар хазинасидан*

# БИРИНЧИ ДАРВЕШ ҚИССАСИ

ҳаммадин хуш кетиб. Нечанд турлик овоз чиқиб, бизларни бисмил қилди, гўё ҳаммага жунун пайдо бўлди. Мен ҳам якбора ўзимдин кетдим. Ул йигит мани маст кўриб бир ерга ётқизмоқлиқға чоғлаб, тахтга палослар солиб мени анди ётқизди. Андин сўнг ул хизматкорлари ва ходимлари рухсат била ташқариға чиқариб, уйни ҳоли қилиб, заррин идишларда кабобларни олдиларига қўйиб, бирбирларига ўтган ҳикоялардан айтишиб ўтирдилар. Мен ўйладим, бу ерда ғафлат уй қусиға кетсам тарки одобдиндур деб, ўрнидин сакраб туриб булар олдига келиб ўлтирдим. Ул йигит мени оғушига олиб, ул дилором одоби тамом била май жомини манга тутди. Суҳбатга машғул бўлдим. Яна ул дилнавоз менга меҳрибонлиқ қилдики, инсон ўғил мундоқ меҳрибонликни ҳаргиз кўрмаган. То суҳб тулуъ қилди, димоғим андоғ бўлдиким бошдин-оёқ ўзимни танимданми. Сўзнинг қисқаси икки кеча-кундуз маст-аласт бўлдим. Учунчи кечаси чироғларни равшан қилғонда менга уйқу ғалаба қилиб, ярим кечада ҳушёр тортиб, ул нозанин ёдимға тушиб, ўйладимки, уйда танҳо қолиб эрди, ҳоли нечук бўлди экан. Бу кун уч кеча-кундуз бўлди, мен бунда айш-ишрат била, ул сарв қоматдин хабар олмадим-деб, ўзимга маломат қилур эрдим. Улар яна ўз қоидалари билан суҳбатга ўлтирдилар. Мен хафаликдан яна ўзимни уйқуга солиб, алар бирла ҳамулфатлик қилмадим. Алар ҳарчанд сабр қилдилар, мен ўрнимдан туриб алар билан ўлтирмадим. Алар ичкари ҳарамга кирдилар. Мен ўрнимдин туриб либосларимни олиб ташқарига чиқиб ҳаммомга бордим ва баданимни шароб асоратидан тозалаб, уйга равона бўлдим. Йўлда ўзимга дедимки, агар ул меҳрибон сендан нолиса нима деб узр айтурсан, балки ҳижолатдан шармисор бўлурсан. Вақтики уйимнинг эшигига етдим, эшикни тақиллатдим, ул дилнавоз эшикни очди. Аммо мени музтар кўриб, табассум айлади. Мен анинг оёқларига йиқилиб, босган изини бўса қилдим, тилимни узра очдим. Дедики, эй жоҳил бу изтироб нима учундир. Маълумки меҳмонга бормоқлик кишининг ўз ихтиёридадур, меҳмондорчиликдан қайтиб бўлғай — дедим. Ул йигит ғуломга ишорат қилди. Ул зебонинг қошиға бориб ҳозир қилди. Андин сўнг айш ва нўшимиз авжга чиқиб, уч кунгача суҳбат давом этди.

Эй дарвешлар, тўртинчи кеча оқшом вақти эрди, мастлик ҳаддин ошиб уйқу ғалаба қилди. Вақтики мастликдин ўзимга келдим, офтоб икки найза бўйи кўтарилиб қолибдур. Ўрнимдин туриб ҳар томон қарадим, аммо ҳеч кимни кўрмадим. Саросималикда ҳар тарафга қарадим, фақат хизматкорлар ва турлик асбоб, идиш-тобоқлардан бошқа ҳеч кимни учратмадим. Ҳар қанча югурсамда, меҳмонлардин асар топмадим. Фақат уйнинг бир бурчагида бир гиламни кўрдим, тумор шаклида тахлаб қўйилган экан. Вақтики очиб қарасам ул йигитни маъшуқаси била бошларини кесиклик кўрдим. Хок хун била оғуштаул гилам била ўроғлиқ. Ул ҳолатни кўриб, хавфдин беҳуш бўлиб яна ҳушимга келдим, нима қилишни билмас эрдим, хоҳладимки ўзимни сувга ташлаб бу фоний дунёдин кўз юмсам, Эй дарвешлар азим мусибат ва бало улдурки, ошиқ шайдо бўлиб эрдим, то бу кунғача неча хил жафолар менга етдики ҳар бирида бир мақсад бор эрдики, ани ҳал қилмоқлиқ басе мушкулдур. Алалхусус ҳайрон ва паришонликда нола-фиғон била ул маъшуқайи дилнавозимни топармиканман деб ҳар тарафга югурур эрдим. Ногоҳ бир одамни уйнинг эшикидин кириб келаётганини кўрдим. Ҳаёлан ўйладимки, мабодо ул йигитнинг хизматкорларидан бўлмасун, яхшиси ани ташқарига чиқғали қўймагайман деб, ўзимни бир хийла била пинҳон қилиб боғчага олдим, дарахтлар орасидин эҳтиёт била боқиб қарасам, ҳавлининг дарвозаси беркитилган экан, сўнгра ул кишининг орқасидин бориб, белидин кўтариб ерга босдим, ногоҳ қарасам ул зебонигоримнинг хизматкорларидин экан. Ундан савол қилдимки, кимни изларсан, ул раънойи сеҳр қилғувчи қайдадур, сен қайда эрдинг ва нима учун келдинг? — десам, дедиким сен ул раънога но сазовор сўзлар айтурсан, сенинг хотиринг малъул топдиму? Ул моҳи сийсбар сенинг фикрингдадур, — деди. Ул ҳозир қаердадур, кўнглим ани йироқлиғидин мажруҳ бўлибдур, — дедим. Дедики келғил, то сени анинг хизматиға олиб борурман. Васл муждасини англагандин сўнг, бу мазкур муқаддималарни фаромуш қилиб, завқи тамом бирла ул хизматкорнинг орқасидин равона бўлдим. Аммо камоли хурсандлиғдин ўзимдин бехабар эрдим. Ул ҳам дилдорлиқ қилур эрди. Неча манзил йўл юргандин сўнг бир шоҳона ерга етдим, ҳар навъ олий иморатлар бино қилинган, анда бир дарвозани кўрдим, ақлдин ташқари эрди. Фаҳм қилдимки бир улуғ кишини дарвозасидур. Анинг рўбарўсида бир улуғ масжид, ул масжиднинг олдида бир катта сув оқиб турар эрди. Сув лабидаги дарахтларнинг сояси сув канорасига тушиб турар экан. Ул хизматкор мени дарахтлар соясида ўлтирғизиб, ўзи ичкари кириб кетди. Бир муддатдин сўнг дарвозабон билан чиқиб, ул ҳавлини дарвозасида туриб, хизматкор менинг олдимга келди. Дедимки эй фалони бугун масжидни кунжида ўлтириб, кеч бўлғонда бу эшикга келғил, то бу дарвозабон сени ул маликанинг қошиға олиб борур.

**Турғун ФАЙЗИЕВ тайёрлаган.**
**(Давоми бор).**

